# Qishloq hayoti

**2009 йил** Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

*O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 15 SENTYABR, SESHANBA, 109 (7570) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Найман шароитида деҳқончиликнинг ўзига хос ва мураккаб томонлари мавжуд: экин майдонлари асосан шўрхок ерларни ташкил этади. Бундай шароитда ер шўрини обдон ювмай туриб, деҳқончилик қилиб бўлмайди. Шунга қарамай фермер хўжалиги далаларида пахта ҳосили учун мустаҳкам замин яратилди.



Баъзилар анорнинг меҳнати оғир, очиш-кўмиши катта ташвиш-ку, деб нолийди. Ташвишсиз, меҳнат қилмасдан ейдиган тайёр нон қаерда бор? Ишнинг кўзини билганга анорчилик машаққатли меҳнат бўлмай қолади. Анорнинг битта яхши хусусияти шундаки, у ер танламайди, ўта шўрхок жойда ҳам ўсаверади.



Жорий йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мамлакатимизга ёруғ юз билан қайтди.


саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Муҳтарам Президент!**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрами муносабати билан Испания ҳукумати, халқи ҳамда ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий табрикларни йўллайман.

Айни пайтда фурсатдан фойдаланиб, Сиз орқали жорий йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамини нишонлаётган пойтахт аҳолисига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Муҳтарам Президент, менинг биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик, тинчлик ва равнақ тилагувчи истакларимни қабул қилгайиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Хуан КАРЛОС I,**
**Испания Қироли**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни билан самимий қутлайман.

Яна бир муҳим сана – Сизнинг гўзал мамлакатингиз пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан ҳам самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Дунёда бу каби беназир буюк тарихга эга бўлган кўҳна шаҳарлар унчалик кўп эмас.

Ишончим комилки, узоқ ўтмишга бориб тақалувчи халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳамкорлик ва конструктив шериклик Арманистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлида янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ҳамда масъулиятли ва сермашаққат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса осмони доимо мусаффо бўлишини, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Серж САРГСЯН,**
**Арманистон Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Жаноби Олийлари!**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва ўзбек халқига бахт ва фаровонлик тилаб эзгу истакларимни изҳор этаман.

**АЛЬБЕРТ II,**
**Бельгия қироли**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Жаноби Олийлари!**

Дўст Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига доимий равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Навоф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,**
**Кувайт давлати валиаҳд Шаҳзодаси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Жаноби Олийлари!**

Қутлуғ сана – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Сиз Жанобий Олийларига ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ўзим ва Малайзия Қироличаси номидан самимий табрик ва қутловларни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб эзгу истакларни билдиришга ижозат этгайсиз.

**Минзан Заинал АБИДИН,**
**Малайзия Қироли**

# КЎРГАЗМА ЯКУНЛАНДИ, НАВБАТ АМАЛИЙ ИШЛАРГА

***«Ўзэкспомарказ»да «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси якунланди.***

Бир ҳафта давомида вилоятлар, туманлар ҳокимликлари, меъморлар, лойиҳачилар, қурилиш материаллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар, фермерлар, тадбиркорлар, олий таълим муассасалари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, маҳаллалар фаоллари «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти, Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бошқармалари томонидан архитектура ва дизайннинг энг илғор талаблари асосида ишлаб чиқилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари, бундай лойиҳалар асосида уй-жой қуриш, қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялаш ва амалга ошириш механизмини жорий этиш билан шуғулланувчи "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки фаолияти, уй-жой қурилишида буюртмачи вазифасини бажарувчи «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари билан танишди.



Намунавий лойиҳалар асосида, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, ҳақиқий ўлчовларда қурилган ҳамда замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган етти хил уйнинг, шу жумладан, сэндвич панелларидан қурилган уйлар намуналари, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Андижон вилоятининг Булоқбоши туманларида энг янги қурилиш технологияси, замонавий қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланган ҳолда барпо этиладиган аҳоли пунктларининг, вилоятларда белгиланган 42 та намунавий посёлканинг макетлари намойиш этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари, енгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, маиший техника ва қишлоқ хўжалиги ускуналари жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган ушбу ихтисослаштирилган кўргазма жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазма экспозициялари билан 20 мингдан зиёд киши танишгани ҳам бунинг далилидир.

Аввал хабар берганимиздек, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, архитектура, қурилиш, транспорт, алоқа, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг жойлардаги филиаллари раҳбарлари, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, туманлар бош меъморлари аттестациядан ўтказилди. Бу жараёнда уларнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари, кўргазманинг мақсади, аҳамияти юзасидан билими синовдан ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикасидан келган 4, Сурхондарё вилоятидан 6, Тошкент вилоятидан 13, Фарғона вилоятидан 7, Хоразм вилоятидан келган 4 раҳбар ходим мазкур аттестациядан ўта олмади.



Ҳадемай, юртимизнинг турли ҳудудларидаги қишлоқларда қад ростлаган замонавий аҳоли пунктларида уй тўйларига чорловчи карнай-сурнай садолари янграйди. Бу ҳаракат мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзиб, қишлоқларимиз замонавийликда, чиройда, кўркамликда, қулайликда, ободликда ўзига хос мусобақага киришади. Бугун бунёд этаётган иморатларимизда авлодларимиз бахтиёр ҳаёт кечиради. Зеро, орзу-ниятларимиз, бугунги ишларимизнинг мақсад-муддаоси шудир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**М.АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

### СЎЗ – КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ, Андижон вилояти Пахтаобод тумани ҳокими:**

– Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимизда барча соҳалар қатори меъморчилик, қурилиш саноати ҳам юқори суръатларда ривожланаётганининг ўзига хос намойишидир. Истиқлол йилларида юртимизда бирбиридан чиройли, замонавий маъмурий бинолар, таълим, маданият, санъат муассасалари барпо этилди. 2009 йилнинг мамлакатимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, аҳоли хонадонларини обод этиш борасида янги имкониятларни очди.

Кўргазмада намойиш этилаётган лойиҳаларда, аввало, янги аҳоли пунктларининг муҳандислик-коммуникация тизимлари эътиборга олинган. Масалан, уй қурилажак жойга энг биринчи навбатда йўл солинади. Шунинг учун ҳам кўргазмага қўйилган лойиҳаларда йўллар, табиий газ, ичимлик суви, электр линияларини ўтказиш, канализация тармоқларини барпо этиш, манзарали дарахт экиш, кўприклар қуриш назарда тутилган. Бу юмушлар асосан маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юкланган. Шу нуқтаи-назардан кўргазмада бевосита иштирок этиб, намунавий лойиҳаларни амалга ошириш, молиялаштириш механизми, қўлланиладиган маҳаллий қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари билан танишаётганимиз айни муддаодир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРНИНГ ЮҚОРИ ҚИСМИДАГИ ЙИРИК ГЭСЛАР:

## УЛАР ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА, ДАРЁЛАРНИНГ ҚУЙИ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН АҲОЛИ ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИГА КАФОЛАТ БЕРА ОЛАДИМИ?

***Ёки Саян-Шушенск фалокати огоҳликка чорлайди***

**Йирик сув омборларидаги гидроиншоотларнинг хавфсизлиги масаласи, уларнинг фаолияти қуйида яшовчи одамлар ва атроф-муҳитга таҳдид солаётгани бугун экологлар учун ҳам янгилик эмас. Чунки, хаёлпарастлик асосидаги табиатни инсон қўли билан жиловлаш, бўйсундириш ғояси қанчалик бемаънилик, калтабинлик эканлигини бир авлод кўз ўнгида содир бўлган экологик фожиалар исботлаб берди, қўйди.**

Узоққа бормайлик. Трансчегаравий сув оқимларига айланган Амударё ва Сирдарё сувидан чўлларни ўзлаштириш баҳонасида тажовузкорона фойдаланиш эндиликда Орол фожиасига айланди, тузатиб бўлмас аянчли оқибатларга олиб келди. Собиқ иттифоқ давридаги бундай калтабин сиёсат ва бу сиёсатнинг ворислари эса ана шу глобал аҳамият касб этган экологик фожиани бартараф этиш ўрнига, уни оғир мерос тариқасида бугунда мустақил бўлган Марказий Осиё давлатларига қўш-қўллаб топширдилар.

Нафақат Россия Федерацияси ҳудудида, балки дунёдаги энг йирик гидроиншоотлардан бири – Саян-Шушенск ГЭСида яқинда содир бўлган фалокат бу оғир меросдан қутулишда, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишда нақадар теран, соғлом ва оқил сиёсат зарурлигини яна бир бор исботлаб берди. Ҳудудий жиҳатдан жаҳонда энг йирик давлат – Россия Федерациясида ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 15 фоизини таъминлайдиган ГЭСда содир бўлган фожиа дарёларда йирик тўғонлар қуриш нафақат инсоният учун, балки атроф-муҳит, табиат учун аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб, она табиатнинг биз инсонларни огоҳликка даъват этувчи ҳайқириғи бўлди, десак хато қилмаймиз.

Ҳолбуки, 1978 йилда фойдаланишга топширилган Саян-Шушенск ГЭСи тармоқдаги энг ишончли ва мустаҳкам иншоот сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган ҳамда бу борада дунёда тенги йўқ иншоот, деб топилган эди.

(Давоми 2-саҳифада)


**ОБУНА - 2010**




## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан **нақд пул** тўлови ёки **пул ўтказиш** йўли билан ҳамда **пластик карточка** орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145



Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

***МУАССИСЛАР:***

***Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —***

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

# ҲУҚУҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛГАН БУРЧИНИ УНУТМАСИН

**Мамлакатимизда фермер хўжаликларини, шу аснода пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва балиқчиликни ривожлантиришга йил сайин эътибор кучаймоқда. Президентимиз фармонлари ҳамда қарорлари, ҳукуматимиз қарорлари талаблари моҳиятини тўғри англаган фермерлар бу соҳанинг ойдин йўлига чиқиб олдилар. Вилоятимиздаги юзлаб шундай фермер хўжаликлари хусусида илиқ сўз айтиш мумкин. "Қишлоғим гул ҳаёти – Ватаним тараққиёти" деб фаолият кўрсатаётган фермерлар муносиб тақдирланмоқда.**

Мана шундай имкониятлар эшиклари очилган бир пайтда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлай олмаётган фермерлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Вилоят прокуратураси органлари асосий эътиборни деҳқон ва фермер хўжаликлари чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бошқа қонунлар ижросини таъминлашга қаратиб, жорий йилнинг етти ойида 235 та текширишлар ўтказди. Улар бўйича 12108 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Олтиариқ туманидаги "Муҳаммад Маматқул Файзи" фермер хўжалигида 14,74 гектар, Бувайда туманидаги "Бекобод замини саховати" фермер хўжалигида 8 гектар, "Рухшона Баҳор" фермер хўжалигида 4 гектар, "Очил Саркор" фермер хўжалигида 2 гектар ғалла ва пахта майдонлари бузилиб, ўрнига бошқа экинлар экилиши оқибатида давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланилиши аҳволи ўрганилганда, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Айрим фермерлар суғориш ишларини ўз муддатларида олиб бормаган, айримлари эса пахта майдонларини қўллатиб юборганлиги оқибатида суғориш ишлари ўта сифатсиз амалга оширилган.

Фурқат туманидаги "Дўстлик Водий Файзи" ММТП ҳудудида жойлашган "Алиев Турсунали" ва "Ортиқов Асрорбек" фермер хўжаликларининг 18 гектардан жами 36 гектар ғўза майдонларида суғориш ишлари ўз муддатларида олиб борилмаган.

Аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан туман прокуратураси томонидан туман ҳокими ва 35 нафар бошқа мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Тошлоқ туманидаги "Зебинисо Сулаймонова" фермер хўжалигига қарашли 11 гектар майдондаги пахта майдонининг айрим қисмлари қўллатиб юборилиб, ўта сифатсиз суғорилганлиги учун фермер хўжалиги раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бу каби қонунбузилишларга йўл қўйган "Ҳанифахон ЖБИ", "Нурафшон дала жилоси" ҳамда "Аминжон Мўминов" фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан ҳам маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Тошлоқ туманидаги 9 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг раҳбарлари масъулиятсизлиги ва ўз хизмат вазифаларига юзаки ёндашиб, фермер хўжаликларининг пахта майдонларида суғориш ишларини олиб бориш графиги оқилона тузилмаган. Натижада 38 та фермер хўжаликларининг 1187 гектар пахта майдонларини суғориш муддатидан кечиккан. Оқибатда бу омил ғўза ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари раҳбарлари, "Исфайрам-Шоҳимардон" ирригация тизими Тошлоқ тумани бўлими бошлиғи А.Ўтанбоевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Ғўзани суғоришда агротехник қоидаларга риоя этмаганлиги учун Охунбобоев тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Т.Раҳматов ва "Норин-Фарғона" ирригация тизими бошқармаси бўлим бошлиғи А.Раҳимовларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда.

Ҳар бир фермернинг қонунларимизга қатъий риоя этиши кўзланган мақсадлар сари илдам одимлашга хизмат қилади.

**Ўктам ПЎЛАТОВ,**
**Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.**

*Назорат*

# ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРНИНГ ЮҚОРИ ҚИСМИДАГИ ЙИРИК ГЭСЛАР:

## УЛАР ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА, ДАРЁЛАРНИНГ ҚУЙИ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН АҲОЛИ ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИГА КАФОЛАТ БЕРА ОЛАДИМИ?

***Ёки Саян-Шушенск фалокати огоҳликка чорлайди***

**(Боши 1-саҳифада)**

Ана шундай ишончли ва қудратли гидроиншоотда жорий йилнинг 17 августида катта фалокат содир бўлди. Оқибатда саноқли дақиқалар ичида ГЭСнинг бир неча агрегатлари, машина зали вайрон бўлиб, парча-парча бўлакларга айланди. Фақатгина мўъжиза туфайли ва автоматик бошқариш тизими ишдан чиққан шароитда ходимларнинг тезкор ҳаракати аҳолини ва минтақани глобал экологик фожиадан қутқариб қолди, десак хато қилмаймиз.

Лекин барибир 70 дан ортиқ одам ушбу фожиа қурбони бўлди. Содир бўлган фалокат атроф-муҳитга зарба берди. Ишдан чиққан агрегатлардан оққан нефть маҳсулотлари Енисей дарёсида 80 километр узунликда доғ ҳосил қилди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча балиқлар нобуд бўлиб, инсон қўли билан экологик вазият издан чиқди. Эндиликда бундан биринчи навбатда инсоннинг ўзи азият чекмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу гидроэлектрстанцияни ишлатиш ва таъмирлаш учун ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ сарфланган. Лекин барибир ўта жиддий фожиа юз берди. Ҳалигача фалокат туфайли келтирилган зарарнинг аниқ миқдори эълон қилингани йўқ. Фақатгина шуни аниқ айтиш мумкинки, ГЭСни қайта тиклаш учун 40 миллиард рубль, яъни 1,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблағ талаб қилинар экан.

Энди ҳақли савол туғилади. Бу фалокат нима учун ва нима сабабдан содир бўлди? Нима учун дунёда энг ишончли ва мустаҳкам деб топилган ГЭС бундай фавқулодда вазиятга тайёр эмас эди? Нима учун қамрови жуда кенг бўлиши мумкин бўлган фожиани автоматика ва бир неча босқичли ҳимоя воситалари бартараф этмай, балки унга саноқли бўлган одамларнинг матонати ва жасоратигина рўбарў келди?

Биз ўзга юртда, биздан олисда содир бўлган ушбу фожиа тафсилотини ачиниш билан, айни дамда хавотир ҳисси аралаш ўрганиб чиқдик. Ўрганиб чиқдигу, минтақамиз шунга ўхшаш, айнан шундай хавф-хатарли гидроиншоотлардан, биринчи навбатда Тожикистон ва Қирғизистондаги Нурек ва Тўхтағул ГЭСларидан қуйида жойлашганлигидан ташвишимиз, хавотиримиз янада кучайди. Ҳа, бизнинг ташвишимизда ҳам, хавотиримизда ҳам жиддий асослар бор.

Қуйидаги ҳолатга эътибор беринг-а: Тожикистондаги Нурек ГЭСи Саян-Шушенск гидроиншооти билан қарийб тенгдош, яъни 1980 йилда ишга туширилган бўлиб, дунёдаги энг баланд – 310 метрлик тўғонга эга. Саян-Шушенск ГЭСи эса 240 метр баландликдаги тўғони билан бу борада жаҳонда еттинчи ўринда туради. Нурек ГЭСи сув омбори 10,5 миллиард кубометр обиҳаётни ўзига жамласа, яна бир қўшнимиз – Қирғизистондаги 215 метр баландликдаги тўғонга эга бўлган Тўхтағул сув омборининг сиғими 19,5 миллиард кубометрга тенг. Маълумки, ушбу гидроиншоотлар Марказий Осиёдаги барча давлатлар ҳудудидан оқиб ўтувчи трансчегаравий дарёларда жойлашган.

Айни пайтда Тожикистон ва Қирғизистон Марказий Осиёдаги энг йирик дарёлар – Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмидаги ушбу ГЭСлардан қўшнилар манфаатини назар-писанд қилмасдан, ички манфаатлар учун истаган тартибида фойдаланмоқда. Яъни, Нурек ва Тўхтағул гидроиншоотлари эндиликда Тожикистон ва Қирғизистоннинг энергетика бўйича юзага келган муаммоларини ҳал этишга хизмат қилаётир. Ҳолбуки, ҳар иккала сув омбори ҳам аслида трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда суғориладиган ерларда деҳқончиликни ривожлантириш учун обиҳаёт тўплаш мақсадида қурилган. Лойиҳа ҳам шунга мўлжалланган. Лекин сув омборларидан лойиҳа талаблари қўпол равишда бузилган ҳолда фойдаланилмоқдаки, бунинг оқибатида эртага бугунгидан ҳам ташвишли экологик вазият, хавф-хатар юзага келиши мумкин. Бунинг устига осмонўпар тўғонларга дарз кетса, тасаввур қилиб бўлмас даражада фалокатли фожиа содир бўлиши, яъни юз минглаб, миллионлаб одамларнинг тақдири бошқариб бўлмайдиган даражадаги даҳшатли сув оқимининг лойқалари тагида қолиб кетиши мумкин.

Бу, кўз юмиб бўлмайдиган аччиқ ҳақиқат, жиддий ва ҳаққоний хавф-хатардир. Бундан эса ҳозирданоқ тегишли хулоса чиқармоқ керак. Бизнингча, зудлик билан манфаатдор халқаро ташкилотлар ва давлатлар иштирокида Марказий Осиёдаги амалда фаолият кўрсатаётган барча йирик сув омборларидаги ГЭСларнинг, биринчи навбатда Нурек ва Тўхтағул гидроиншоотлари технологик тизимини яхлит ва чуқур текширувдан ўтказмоқ зарур. Содир бўлиши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини олувчи кучли ва ишончли механизм яратмоқ даркор. Бу ўринда албатта гидроиншоотларда ишлаётган мутахассисларни аттестациядан ўтказиш, керак бўлса, малакасини оширишни унутмаслик лозим. Сув омборлари ва ГЭСларнинг стратегик аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уларни ҳушёр ва жуда ишончли қўриқламоқ давр тақозосидир.

Минтақамизда юзага келган қалтис экологик вазият дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар янги йирик гидроиншоотларни, жумладан, Қирғизистонда Қамбарота, Тожикистонда Рогун ГЭСларини қуриш лойиҳасини амалга оширишга зўр бериб ҳаракат қилинаётгани оқибатида янада таранглашиши мумкин. Биз трансчегаравий дарёлар сувидан самарали ва адолатли фойдаланиш масалаларини бир неча бор кўтариб чиқдик. Мавжуд муаммо минтақамиздаги экологик вазият барқарор эмаслигидан янада таранглашиши мумкин. Янги баҳайбат ГЭСлар қурилиши учун танланган жойларда сейсмик ҳолат жуда қалтис – 9-10 баллик зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудда эканлигини ҳам зинҳор унутмаслик керак.

Умуман олганда, Саян-Шушенск фожиаси минтақамизда трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишни нафақат унинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар манфаатларини, балки халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиш, шу билан бирга табиий мувозанат бузилмаслигини кафолатлаш асосида ташкил этиш кераклигини яна бир бор исботлади. Энг асосийси, гигант тўғонлар қуриб, арзон электр энергияси ишлаб чиқаришни кўзлашдан олдин, ўз халқи ва қўшнилари хавфсизлигини, атроф-муҳитга, табиатга зарар етказмасликни ўйлаш даркор. Тўғриси, одамларга ва минтақамиз экологиясига баландпарвоз лойиҳалар эмас, уларнинг хавфсизлигига ишончли кафолат зарур. Ахир, "Қош қўяман, деб кўз чиқариш" кимга ҳам керак.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси.**

*Ихтиро*

**Вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларда содир бўладиган катта ҳажмдаги ёнғинларни бартараф этишга мўлжалланган "Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси" ихтиро қилинди.**

## Кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси

Мазкур қурилма нефть ва газни қайта ишлаш корхоналаридаги катта ҳажмдаги нефть маҳсулотлари сақланадиган сиғимларда содир бўлган ёнғинларни ўчиришга мўлжалланган.

Ушбу ихтиро қурилмаларни ёнғин чиққанда зудлик билан ҳаракатга келтириш, бошқарув хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кўпик йўналишини тўғридан-тўғри ёнғин ўчоғига узатиш, нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган идишларда ёнғинни қисқа фурсатларда тезлик билан ўраб олиш ва ўчириш имконини беради.

– Янги қурилма айниқса, халқ хўжалигидаги ўта муҳим объектларда ёнғинларни бартараф этишга мўлжалланган, – дейди ихтиро муаллифи вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Дилшод Пўлатов. – Йирик ёнилғи сақлаш сиғимларининг ўзида ўрнатилган одатдаги қурилмалар нефтдан олинадиган ёнувчи суюқликлар таъсирида емирилиб, тез ишдан чиқиб қолар эди. Янги қурилма бундай камчиликлардан ҳоли бўлишидан ташқари, катта ёнғин содир бўлганда узоқдан туриб хавфсиз бошқариш имконини беради.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Қашқадарё вилояти*

## *Пахтазор нафаси*



# ЕТАКЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

**Поп тумани "Найман" муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги "Хўжамқул ота Маҳкамов" фермер хўжалигининг бошлиғи Шокиржон Ортиқов деҳқончиликда катта тажриба тўплаган пахтакорлардан бири. Етакчилигидаги фермер хўжалигида ҳар йили пахта ва ғаллачиликдан баракали хирмон кўтариб келинади.**

– 38 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз, – дейди фермер. – 21 гектар майдондаги буғдойдан 87 тонна бошоқли дон сотдик. Ортгани сувчиларга, хўжалик аъзоларига, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга тақсимланди.

Найман шароитида деҳқончиликнинг ўзига хос ва мураккаб томонлари мавжуд: экин майдонлари асосан шўрхок ерларни ташкил этади. Бундай шароитда ер шўрини ўбдон ювмай туриб, деҳқончилик қилиб бўлмайди. Иккинчидан, сув танқислиги ёзда, айниқса, вегетация даврида сезиларли даражада кечади. Шунга қарамай фермер хўжалиги далаларида пахта ҳосили учун мустаҳкам замин яратилди. Бугунги кунда кўсаклар очилиб, теримга пухта ҳозирлик кўрилди.

**СУРАТДА:** *фермер Шокиржон Ортиқов шогирди Маҳмуджон Қодиров билан ҳосил чўғини чамалаётир.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.**
*Наманган вилояти*

# Йўлсозлар ғайрати

Автомобиль йўлларини равонлаштириш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунга асосан Жарқўрғон туманида 9 чақиримлик автомобиль йўлларини модернизация қилиш белгиланган. Ҳозиргача туман йўлсозлари 3 чақиримдан зиёд масофага асфальт ётқизишди.

**Ж.АНОРОВ.**
*Сурхондарё вилояти*

# СЎЗ – КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**(Боши 1-саҳифада)**

**Абдумажид НУРҚУЛОВ, Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ҳокими:**

– Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан туманимиздаги Зиёвуддин қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида 20 уйдан иборат янги посёлка барпо этилиши кўзда тутилган. Қурилиш ишларини Президентимизнинг жорий йил 29 январда қабул қилинган уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилган пудрат ташкилотлари тендер асосида амалга ошириши режалаштирилган.

Мазкур қарорда ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, бундай ташкилотлар қишлоқларимиз қиёфасини янада яхшилаш, халқимизнинг уй-жой қурилиши, таъмирлаш хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, соҳада рақобат муҳитини шакллантириш, хизматларнинг нархини арзонлаштириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Туманимизда ана шундай тўртта ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган жойдан 3,8 гектар ер ажратиб берилди.

**Аббос НИЁЗОВ, Қашқадарё вилояти Қарши тумани, архитектор:**

– Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма юртимизда аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган оқилона сиёсат самарасидир. Бу ерда таклиф этилаётган намунавий лойиҳаларни, замонавий қурилиш материалларини кўриб, бўлғуси қишлоқларимизнинг қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланди.

Туманимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги типдаги қишлоқ аҳоли пункти қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 33 гектар ер майдони ажратилди. Жорий йил охирига қадар 32 та уй-жойни барпо этиш учун тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу уйлар 3, 4 хонали бўлиб, барча қулайликларга эга. Қурилиш ишлари янги ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхоналарига топширилади. Туманимизда қурилаётган "Хонобод" шаҳарчасида газ, коммуникация масалалари ҳал этилган. Ҳозир посёлкага йўл солиш, мактаб, ҳаммом ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш лойиҳалари тайёрланмоқда.

**Баҳромжон НУРМАТОВ, Наманган вилояти Учқўрғон тумани ҳокими:**

– Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти томонидан ўтган қисқа давр ичида қишлоқларда татбиқ этиладиган намунавий лойиҳаларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганини кўрдик.

Қишлоқда якка тартибда уй-жой қуриш учун таклиф этилган лойиҳалар мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси шароитидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Туманимизнинг Яшикобод қишлоғида ҳам ана шундай намунавий лойиҳаларга мувофиқ, 40 уйдан иборат янги аҳоли пункти барпо этиш режалаштирилган. Ҳозир у ерда ер ишлари бошлаб юборилган.

Мамлакатимизда бундай кенг кўламдаги ишларга қўл урилиши натижасида маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янада кенгайишига йўл очилади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқларда барпо этиладиган уй-жойлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни олиб кириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани ҳам бунинг далилидир. Бу лойиҳаларни амалга ошириш қурилиш харажатларини камайтириш имконини беради.

Айни чоғда қурилиш корхоналари изчил ривожланишига қулай имконият яратилмоқда. Бунинг самарасида минглаб янги иш ўринлари очилади. Қишлоқ аҳолиси, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларимиз қурилиш ишларига жалб этилади, яъни иш билан таъминланади.

Кўргазмада иштирок этиб, бу борада етарли маълумот, таассуротга эга бўлдик.

**ЎзА мухбирлари**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**Сайёра ШОЕВА,**
**Холмурод САЛИМОВ**
**ёзиб олди.**

# Омадли ихчам ҳамён эгалари

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини амалга ошириш мақсадида "МИКРОКРЕДИТБАНК" ОАТБ томонидан амалий ишлар қилинмоқда.

Мазкур хизмат турини аҳоли ўртасида оммалаштириш, пластик карточкалардан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш, аҳолига бу борада қулай шарт-шароит яратиш учун банк томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини шакллантиришда, пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартиришда пластик карточкалар муҳим аҳамиятга эга.

Истиқлолимизнинг 18 йиллик байрами муносабати билан "Микрокредитбанк" томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар ҳамда ўрнатилган терминаллар эгалари ўртасида ютуқли ўйинлар танлови эълон қилинган эди. 100 000 сўм (ва ундан ортиқ) транзакциялар ўртасида лототрон асосида амалга оширилган танловда 1,5 минг терминал ва 19 мингдан зиёд пластик карточка иштирок этди.

**Танловда қуйидагиларга омад кулиб боқди:**

| № | Ютуқ | Ютуқ эгаси Ф.И. | Рўйхатдан ўтган филиал номи |
|---|---|---|---|
| 1 | DVD Player | Бобоев Озод | Хоразм вилояти Урганч шаҳри |
| 2 | DVD Player | Шоимов Чари | Сурхондарё вилояти Ангор тумани |
| 3 | DVD Player | Буранова Барногул | Сурхондарё вилояти Музработ тумани |
| 4 | DVD Player | Суяров Мансур | Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани |
| 5 | DVD Player | Шералиев Шухрат | Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри |
| 6 | Чангютгич | Какунашвилли Гулбодом | Қашқадарё вилояти Китоб тумани |
| 7 | Чангютгич | Эргашев Бабахон | Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани |
| 8 | Чангютгич | Сафаров Журабек | Бухоро вилояти Шофиркон тумани |
| 9 | Чангютгич | Усанов Дурбек | Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани |
| 10 | Чангютгич | Холбоев Юсуф | Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани |
| 11 | Супер ютуқ телевизор | Усаров Анвар | Қашқадарё вилояти Бешкент тумани |

**Энг фаол терминал эгасига – 1 дона рангли телевизор (54 см).**
**Ушбу ютуқ "Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилояти Пскент филиали мижози "S.M. Dinil Tabbasum" хусусий корхонасига топширилди.**

# ГУЛИСТОНДА ҚОВУН САЙЛИ



**Унда 30 турга яқин камёблашиб бораётган ва янги яратилган қовун навлари намойиш этилди.**

Сирдарё вилояти ўзининг ширин-шакар қовун-тарвузлари билан машҳур. Кейинги йилларда хориждан сунъий чатиштирилган тарвуз, қовун уруғларининг кириб келаётганлиги бободеҳқонларимиз минг йиллар давомида яратган сара ва шифобахш навларга маълум вақт соя солиб тургандек бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бу замин деҳқонлари ширин-шакар қовун-тарвузлари билан машҳурлигини тилга олар экан, унинг довруғини тиклаб, номдор қовун-тарвуз навларини кўпайтириш, қадимий байрамларимиздан бири — қовун сайли анъанасини тиклаш истагини билдирган эди. Мана, уч йилдирки, Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида анъанавий қовун сайли ўтказиб келинаётир.

Ўтган шанба куни ҳам шаҳарнинг Навоий шоҳкўчаси байрамона тусни эгаллади. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари баралла янграй бошлади. Энг сара, тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузларни олиб келган деҳқонлар ўз маҳсулотларини намойиш эта бошладилар. Қовун сайли тантаналарини вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов очиб, воҳа деҳқонларини анъанавий байрамлари билан чин дилдан қутлади.

Қовун сайли бободеҳқонларнинг катта кўрик-танловига айланиб кетди. Энг камёб ва кўп қовун-тарвуз навларини намойиш этган, уларни қайта ишлаб, ўндан ортиқ маҳсулот олаётган Мирзаобод туманидаги "Дилшод" фермер хўжалиги раҳбари Убайдулла Қўшбоқов кўрик-танловда фахрли биринчи ўринни эгаллади ва рангли телевизор билан мукофотланди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сирдарё, Сардоба, Гулистон ҳамда Сайхунобод туманлари деҳқонларига насиб этди. Ғолиблар рангли телевизорлар билан тақдирландилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Сирдарё вилояти*

